

1-26-2020

## THE ALTITUDE OF MATURITY

Shavkat Akhmadovich Hayitov

*associate professor of uzbek philology department, candidate of philological sciences, BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Life Sciences Commons](#)

---

### Recommended Citation

Hayitov, Shavkat Akhmadovich (2020) "THE ALTITUDE OF MATURITY," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 1 , Article 12.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/1/12

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Бундан ташқари, бу романнинг бадиий структурал кенгликлариди “асл эпос” (эпопея), жаҳон адабий-бадиий жараёни, айниқса, романчилигининг бадиий-поэтик, фалсафий тажрибалари, ютуқлари, бадиий принциплари ҳам ифода топган.

Шу тариқа Шарқ ва Ғарб адабиётларидаги илғор, қадимий ва замонавий адабий-бадиий аънаналар, тажрибалар миллий эстетик, фалсафий тафаккур захиралари, имкониятлари бирлашиб мозийнинг муайян бир даврдаги кенг, мураккаб, зиддиятларга тўлиб-тошган ҳаёти манзараларини кўламдор, бадиий-эмоционал тарзда реалистик ижодий методнинг тарихийлик мезонларига мувофиқ гавдалантиришга имкон яратиб берган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Karimov N., Mamajonov S., Nazarov B., Normatov U., Sharafiddinov O. XX asr o'zbek adabiyoti tarixi. - Toshkent: O'qituvchi, 1999. - B. 437.
2. O'zbek milliy entsiklopediyasi. 12 tomlik. - T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, 2000. 1-tom. - B. 170.
3. Alpomish. O'zbek xalq qahramonlik dostoni. - Toshkent: Sharq, 1998. - 400 b.
4. Mahobhorat (Bharata avlodlari jangnomasi). - Toshkent: Yozuvchi, 1995. - 170 b.
5. Homer. Iliada. - Toshkent: Adabiyot va san'at, 1988. - B. 576.
6. Qodirov P. Humoyun va Akbar. - Toshkent: Sharq, 1997. - B. 9.

УДК: 894.375.(092)

КАМОЛОТНИНГ ОЛИЙ МАҚОМИ  
СТЕПЕНЬ ЗРЕЛОСТИ  
THE ALTITUDE OF MATURITY

**Ҳайитов Шавкат Аҳмадович**

*Бух ДУ ўзбек филологияси кафедраси доценти, филология фанлари номзоди*

**Hayitov Shavkat Akhmadovich**

*associate professor of uzbek philology department, candidate of philological sciences, BSU*

**Таянч сўзлар:** бардошлилик, чидамлик, вазминлик, ширин сўзлик, хушмуомалалик, совуқонлик, меҳрибонлик, лутф, тавозуъ, камтаринлик, хато, кечиримлик, раҳм, меҳр, шафқат.

**Ключевые слова:** усидчивость, выносливость, сдержанность, красноречие, вежливость, хладнокровие, милосердие, уважение, покорность, смиренный, ошибка, прощение, жалость, доброта, милость.

**Key words:** perseverance, endurance, temperance, oratory, politeness, selfpossessiveness, graciousness, respect, obedience, submissive, error, forgiveness, compassion, kindness, mercy.

*Мақолада мукамал инсон, Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Саид Хасаннинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Бундай ахлоқий ибрат Худонинг гўзаллиги, яратилиш санъатининг мукамаллиги ва ўзларини Ҳақиқатдан ажратиб тасаввур қила олмайдиган комил инсонларга қойил қолганлар учун бўлади. Бу даражадаги одамлар учун Аллоҳнинг марҳамати ҳам, Аллоҳнинг ғазаби ҳам бир хил даражада ширин.*

*В статье анализируются особенности совершенного человека наставника и друга Алишера Навая Саида Хасана. Такой нравственный пример будет у тех, кто впечатлен красотой Бога, совершенством искусства созидания и совершенными людьми, которые не могут представить себя отдельно от Истины. Для людей этого ранга и благословения Аллаха, и гнев Аллаха одинаково милы.*

*The specific perfectman features of Alisher Navaiy's mentor and friend Said Khasan are analysed in the article. Those who are impressed by the beauty of God, the perfection of the art of creation, and perfect people who cannot imagine themselves apart from the Truth will have such a moral example. For people of this rank, both the blessings of Allah and the wrath of Allah are equally lovable.*

## ADABIYOTSHUNOSLIK

**Кириш.** «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да қайд қилинишича, Алишер Навоий ҳижрий 860 (1455/56) йилда Саййид Ҳасан билан танишади. Алишернинг 14-15 ёшларида бошланган самимий ва садоқатли бу дўстлик Саййид Ҳасан ҳаётининг ниҳоясига қадар давом этган. Улар ўртасидаги муносабат устозу шогирдликдан, ота ва ўғиллик мақомига кўтарилган.

Чин дўстлик жуда камдан кам кишиларга насиб этадиган ноёб инсоний гўзаллик ҳисобланади. Алишер Навоий эътиқодига кўра, ибодат билан ҳамжинс бўлган танада нафс махв қилинади. Жисм нафс макридан қутула олмас экан, у тоат-ибодат билан жинсдош бўла олмайди.

Чин дўстлик сийратан жинсдошлик ҳосиласидир. Чунки жинс ўз жинсидан завқ ола билади. Кўнгил ўзига мувофиқ кўнгилдан сув ичса қонади ҳамда зилолдан фароғат туяди. Суратпараст бир кимсанинг аҳли дил инсон билан тасодифий дўстлиги ҳеч бир замонда узоқ яшамаган. Бундай «дўстлик» муваққатдир, охир-оқибатда заволга маҳкумдир. Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий биродарлиги ботиний жинсдошлик, илоҳий бир яқинлик, олий бир меҳрибонлик заминида куртак отган, авлодларга ибрат бўларли дўстлиқдир: «Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «ташвише бўлмаиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадуқ»(116, 91). Кўнгилда, орзу-истақда, мақсад-интилишларда, илму маърифатда, маънавий оламда, бадий-илмий, ирфоний тафаккурда муштараклик туймай, бундай дўстлик юзага чиқмайдики, маноқибда уларга дахлдор бир неча ҳайратланарли лавҳалар келтирилган. Улар хусусида Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмиддин Комилов, Суйима Ғаниеваларнинг ишларида нозик кузатишлар мавжуд. Шунинг учун бу ўринда ўша лавҳаларга мурожаат қилишни лозим топмадик [7, 101-121; 13, 385-388].

Расулulloҳ (САВ) ҳадисларидан бирида «Курашда йиқитишга кучи етган кучли эмас, ғазабни келганда ўзини босишга кучи етган кучлидир», - десалар, бошқа бир ҳадисда «Аллоҳ таоло наздида унинг ризолигини истаб, ғазабини ютган одамнинг ютимидан улўғроқ ютим йўқ», - дея марҳамат қиладилар [9, 102-105].

Мавлоно Жалолиддин Румий эса ғазабни ўтга ташбиҳ қилганлари ҳолда, унинг зиддида турувчи ҳилмни тириклик манбаи – ҳаётбахш сувга қиёс этади:

Об ҳалиму оташ аст хашм, эй писар,  
Ҳам зи Ҳақ бинй, чи бикшой басар [10, 170].

Жалолиддин Румий ҳақ. Ғазаб инсоният дунёсидаги яхши ҳасанотларни ўт ўтинни егандек ейди. Инсонлар қалбидаги меҳр-оқибат илдизларини қуритади. Одамлар ўртасида низо чиқариб, муҳаббат экинзорига адоват уруғини сепади. Осуда турмушни изтиробга тўлдирди. Ҳилм эса жамиятга хотиржамлик бағишлайди. Ёмон кимсалар қалбида ҳам одамийлик завқини уйғотади. Ҳилм аҳлининг нозик муомала-муносабати душманни ҳам ўз виждони билан юзма-юз қўйиб, инсоф сарҳадига йўллайди. Шайх Шибровийнинг куйидаги сатрлари мазкур мулоҳазаларимиз фойдасига хизмат қилади:

Учрайди баъзида душманним, аён:  
Қалбида адоват сақлайди ниҳон.  
Юзимда табассум белгисин кўриб,  
Қайтади дўстлиги нафрати ўлиб [12, 5].

Кўринадики, Саййид Ҳасанни «яхши ва ямон аҳли замон қошида азизу мукаррам ва муҳтарам» этган хусусиятларидан бири – ҳилм эканлигини Алишер Навоий алоҳида қайд қилади.

Улуғ мутафаккирнинг насрий асарларидаги талқинларига кўра, чеҳрасида ҳилм аломатлари зуҳур этиб турган хуш ахлоқли инсоннинг юзи тоза гулдан нишон беради. Бундай киши иккиюзламачилик, мунофиқлик сингари дил ғашликларидан холи бўлади. Шунинг учун ҳам у эл аро кўнгиллар маҳбубига айланади. Бундай инсоннинг покиза сиймоси кўзларга завқ, юракларга ҳузур бахш этади. Нуроний чеҳрасидан халққа хуррамлик, ширин сўзидан элга мамнуният этади.

Эл бадахлоқ, бадбин кимсаларнинг шумлигидан, бирор фалокат, бахтсиз ҳодисани содир этиш хавфидан ташвишда, таҳликада яшайди. Хушхулқ, ҳилмли кишидан эса нафақат дўст, душман ҳам ёмонлик кутмаганлиги боис хавфсиз, хотиржамдир: «Осуда

## ADABIYOTSHUNOSLIK

андин ёру ағёрки, мундоқ киши бўлсун умридин бархурдор» [2, 101]. Саййид Ҳасан ана шундай ҳамида ахлоқ соҳиби бўлган.

Инсон эрки сиғмаган, кўнгли тортмаган хонадоннинг дарвозасидан ҳеч қачон кирмайди. Борди-ю, заруратдан, вазият тақозосига кўра ўзи истамаган остонага борса, минг хижолат, ўнғайсизлик, ички азоб исканжасида қадам босади. Алишер Навоий талқинича, Саййид Ҳасаннинг кўнглида, қутлуғ зотида, жисми таркибидаги унсурларда поклик бор. Шунинг учун ҳам унинг дарвозасидан беваю бечораларнинг фарзандлари ҳам, амирзодаю улуғзодалар ҳам ҳеч бир хижолатсиз, ташвиш-тараддудсиз кириб келадилар. Ва пок инсон суҳбатини ўзлари учун ғанимат деб биладилар. Шоир ва фозиллар, дарвешу риндлар, созандаю хонандалар энг яқин, жондан азиз кишиларининг дийдорини кўмсагандек, Саййид Ҳасан ҳузурига ошиқадилар. Унсурул - Маолий Кайковус ёзади: «Жаҳонда нокасроқ киши ул кишидурким, ҳеч ким унинг саломига келмағай» [6, 35].

Ҳақнинг назари тушган, илоҳий марҳаматдан баҳраманд инсоннинг эшигидан эса одамларнинг қадами аримайди: «Бу мазкур бўлғон зурафодин ҳаргиз йўқ эрдиким, аларнинг манзилида киши бўлмағай, балки бу тоифанинг мажмаи аларнинг висоқи эрди ва бу жамоат доим анда. Байт:

Хуш улким, анга лутф бирла худо,  
Улуснинг қабулин қилди ато» [3, 93].

Бизнинг бугунги кунларимизда қайсидир мансабдор ёки давлатманд кишининг эшигидан ҳар куни ўнлаб одам йўқлаб келиши мумкин. Аммо бундай ташрифларнинг замирида аксарият ҳолларда манфаат илинжи туради. Мансабу давлат кўлдан кетгач, келиб кетувчиларнинг қадами узилади. Хушахлоқ, маърифатли инсоннинг остонасига эса одамлар кўнгил амри билан – қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш муродида интиладилар. Бундай инсоннинг пок сиймоси, суҳбати кишилар кўнглига равшанлик етказди. Зулмат қаърида қолган юракларга нур бахш этади. Қалбдан макон тутган ҳасад, кин-адоват каби маънавий кирларни ювиб ташлаб, ўрнига дўстлик ва муҳаббат ҳисларини олиб киради. Маърифатли инсоннинг қалби – чашма, ундаги меҳр одамларга улашган билан камаймайди. Бу чашмага етган, унинг зилол сувидан қониб ичган киши вужудида илоҳий бир қувват пайдо бўлади. Кишилар яқинларидан, туғишганларидан кўрмаган ҳамдарду рафиқликни, шафқату марҳаматни ундан топадилар. Ориф инсоннинг суҳбати умидсизларга умид, тушкун руҳларга тетиклик бахш этади. Шунинг учун ҳам у барча замонларда яхшию ёмон қошида ҳар қандай мансабдордан севимлироқ, ҳар қандай давлатманд одамдан кўра эъзозлироқдир: «Агарчи борча элдин хўбдур ва бори халойиқдин марғуб, аммо сарафрозлардин хўброқдир ва бениёзлардин марғуброқ... Саҳо қилмай элни шод қилур ва ато кўргузмай кишини ғамдин озод қилур» [3, 58].

Алишер Навоий талқинича, Саййид Ҳасан вужуди «сахои зотий» ила музайяндир. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло асли яратилишда хос бандаларига шундай лаёқатни ато этади. Уларнинг назарларини тўқ қилиб қўяди. Расули Акрамнинг (САВ) Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган «Бойлик матонинг кўплигида эмас, балки назарнинг тўқлигида» ҳадислари шундай инсонларнинг ахлоқи, феъл-атвори ҳақида айтилгандир [5, 131].

Бундай инсонлар бой ёки камбағалликларидан қатъий назар бениҳоя олижаноб бўладилар. Фақирликдан кўрқмайдилар. Ҳеч кимдан ҳеч нарсани аямайдилар. Кўнгил уйи яқин нури ила мунаввар бундай зотларнинг сахийликлари ортидан ҳеч қандай миннат, армон, оғриқ ва озор келмайди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий: «Қонеъ дарвешнинг қуруқ нони, томеъ шоҳнинг хитойи хонидин хўброқдур ва фориғи фақрандишнинг ёвғон умочи олғувчи ғанийнинг наботий кулочидин марғуброқ», - деб ёзади [2, 54].

Нега дарвеш қашшоқликдан, камбағал бўлиб қолишдан кўрқмайди?! Чунки ботин кўзи ҳақиқат қуёшининг нурлари билан ёритилган кишилар таваккул моҳиятига бошқалардан кўра чуқурроқ етадилар. Таваккул аҳлининг иймон-эътиқоди мустаҳкам, Аллоҳ розиқлигига бўлган ишончи барқарордир: «Таваккули дуруст элнинг емағи Ҳақ хони инъомидиндур ва ичмағи анинг шарбатхонаси жомидин ва киймағи анинг хизонаи эҳсон икромидин» [2, 52].

Табиатида молпарастлик ҳисси ғолиб кимса қанчалик пулдор, қанчалик мулкдор бўлмасин, унинг ўша сарватидан эҳсон қилиши қийин. Бировга берилаётган озгина, арзимас нарсаси унга тоғ бўлиб кўринади. Қизғанчиқлиги, бахиллиги, молу дунёга ўчлиги

## ADABIYOTSHUNOSLIK

боис озгина инъом туфайли бойлиги камайиб, фақирлашиб қолаётгандек қалби ларзага тушади. Одатда, бундай кимсалар табиатан шахсиятпарастроқ, раҳмсизроқ бўладилар. Дунёдаги барча неъмату роҳатларни ўзларига бўлишини истайдилар, аммо шу неъматлардан бир қисмини ўзгаларга раво кўрмайдилар. Бахил одам эл-юрт тақдирига эътиборсизлик билан қарайди, у фақат ўзини ўйлайди.

Аслида саховат ҳам, бахиллик ҳам инсон қалбига боғлиқ ишдир. Аслан сахий, кўли очик инсон эҳсон қилар экан, сарф қилинаётган мулку давлатга ичи ачимайди. У қийналмайди, сиқилмайди. Кўлидаги давлатини элга сочган сайин руҳи енгил тортади. Хотирани шод бўлади. Халқ меҳри, дуолари шарофатидан ризқи кенгайиб, бойлиги зиёда бўлаётгандек бир туйғу билан яшайди. Одамлардан ўзига қилинган озгина инъом кўп, ўзининг бошқаларга қилган ҳадсиз-ҳисобсиз эҳсонлари эса бағри кенглиги боис назарига арзимас бўлиб кўрилади. Саййид Ҳасан ана шундай саховат соҳиби эди: «Ва риндлик таврида неча нима аларга даст бериб эрдиким, бу тоифанинг озиға муяссар бўлб эркан, бири сахои зотийким, анда такаллуф бўлмағайким, базл ва зиёфат вақтида оз ва кўпнинг тафовути кўрунмағай ва ўзидин элга кўп нима оз ҳам кўрунмағай ва элдин ўзига жузвий нима бағоят кўп ва куллий кўрунуб, бирга ўн эваз еткурурнинг фикрида бўлғай. Назм:

Ўзидин элга дарё – қатра осо.

Вале элдин ўзига қатра - дарё [3, 94].

Кўчирилган иқтибоснинг дастлабки сўзларидан аён бўлаётирки, «сахои зотий» Саййид Ҳасан ҳаётининг риндлик даврида намоён бўлган туғма фазилатларидан бири сифатида қайд қилинган.

Ўз асарларида устози ва дўсти Саййид Ҳасанни туғма дарвеш, илоҳиёт фонийси деб таърифлаган Алишер Навоий унда Шайх Мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақосига келгунга қадар комил инсонга хос қатор фазилатлар мавжуду мужассам эканлигига эътиборни тортади. Ана ўша ноёб хислатлардан бири «сучук сўз ва муфрит хулқ»дир. Ширин сўз қалблар жароҳатига малҳам бўлади. Руҳан эзилган, ўксинган кишиларнинг кўнглини кўтаради. У ҳар қандай тошбағир инсонга ҳам таъсир қилади, қалбини юмшатади. Хира кўнгиллар ширин сўздан равшан тортади. Қотиб қолган вужудлар ундан жунбушга келади. Саййид Ҳасанда муомала маданияти, одамгарчилик ҳисси бениҳоя баланд бўлган.

Йигитлик айёмида риндлар сурункасига бир неча кун, кечаю кундуз унинг уйдан чиқмаган. Мезбон уларнинг базми, «ишрат ва иншооти» учун зарур бўлган барча керакли неъматларни, асбоб-анжомларни муҳайё қилган. Кечқурун мажлис аҳли одатига кўра риндлар сархуш бўлгач, ухлашга ҳозирлик кўрилган. Саййид Ҳасан уйқу олдидан ҳарифларининг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Уларнинг мулозимлари борларини хизматкорларига топширган. Хизматчилари йўқ, уй-жойсизларига кўрпа-тўшак солдириб, бошлари остига юмшоқ болишлар, олдларига кўзада сувлар қўйдирган. Баъзиларининг оёқ кийимларини, саллалари ва рўмолларини, хусусан, рўмол учида омонат тугилган бўлса, уларни ишонарли ходимларига топшириб, саришта-саранжом қилгач, ўз ҳужрасида осойишга машғул бўлган.

Харобат аҳли Саййид Ҳасан масканини ўз уйдан кўра хавфсизроқ деб билган. Унинг ҳузурида ўзини бежавотир, эркин ҳис қилган. Баъзи кунлар соддадил йигитлар унинг суҳбатида маст бўлгунча ичиб, ўзларини билмай қолсалар уларни ўзгаларга ҳам ўз фарзандидай ачинадиган меҳрибон кишиларнинг уйларига ётқизиб, эшикларни устларидан қулфлатиб, яна уларни кўриқлаш учун ташқаридан посбонлар ҳам қўйган. Ва сабуҳий вақтига қадар бир-икки марта маст ётган риндлардан ўзи хабар олган:

Риндлардан бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,

Шоҳ эди ринд аҳлиға, балки эрди шоҳи ринд [3, 95].

Риндлар мажлиси Саййид Ҳасан уйда бир неча кун давом этгач, мезбоннинг меҳмонларни кузатиш маросими, уларга кўрсатган мулозамату меҳрибончилиги, лутфу тавозуъси янада ҳайратланарли: «Ва ишрат ва иншоот асбобидан бошқа борур чоғларида ҳар қайсига ўз хўрди ҳолиға узроҳликлар била егуликдин ё бирор нима харжидинким, ул тоифа қошида куллийдур, риоят қилиб, мардумлик ва инсоният тариқи била лутф кўргузур эрдиларким: «уй сизнингдур, ҳар қачон илтифот қилсангиз хизматға турубмиз», деб узатурлар эрди...» [3, 93].



## ADABIYOTSHUNOSLIK

Барчадан ўзини кичик ва кам тутиш, яхшию ёмонга, улуғу кичикка хизмат ҳузурида бўлиш, фарзандларига, ҳатто ходиму хизматкорларига, ҳар қанча уларда интизомсизлик кўрсалар-да, қаттиқ гапирмаслик, балки насиҳатни «юмшоғ ва чучук тил била» қилиш фақру фано аҳлига, дарвешларга хос фазилатдир.

Фақру фанонинг аччиқ дориси нафсу ҳаводан униб чиқувчи ҳар бир томирни кесишга қодирдир. Шайх Шибровий талқинича, ҳар қандай ўткир тифнинг дами ҳам ўтмас бўлиб қолганидек, ҳар қандай инсон ҳам саҳву хатодан холи бўлмайди. «Ҳалим киши катта хатоларни ҳам кечириб юборишидин билинур. Назм:

Қилиб эҳсон одамларнинг дилин овла,  
Ки эҳсоннинг қули бўлмай одам, англа.  
Агар кимса ёмонликни раво кўрди,  
Кечир, балким, билиб-билмай хато қилди» [12].

Хатоларни кечирмоқ – эҳсон. Алишер Навоий назди-назарича, эҳсон – «амри азим» [2, 107], яъни буюк иш, зўр ҳаракат. Ундан хато қилувчига улуғ мадад, маънавий-руҳий қувват, таскин ва умидворлик етади. Ҳар ким ҳам йўл қўйилган камчиликни, номаъқул бир хатти-ҳаракатни кечириб юборишга қодир эмас. Кечиримли бўлмоқ учун инсоннинг юраги раҳм, меҳру шафқат, қарам ва мурувват нурларига йўғрилган бўлиши лозим. Саййид Ҳасаннинг қалби ана ўшандай нурга тўлиқдир: «Яна бири шафқати муфритки, борча риндларни азиз тутқайлар ва алардин ҳар хато ва залал воқеъ бўлса мувоҳазасига машғул бўлмағайлар ва ислоҳига кўшиш қилғайлар ва саҳвларини афв қилиб, юзларига келтурмағайлар, то аларга хижолат воқеъ бўлмағай ва аларни рифқу мудоро била ул мақомдин ўтгайлар. Байт:

Бу иш эрур валоят аҳли иши,  
Қила олмас бу ишни ўзга киши» [3, 94].

Кўчирилган иқтибосда эътибор қилиш зарур бўлган яна бир нуқта бор. Комил инсон хато қилган кишини кетига тушиш, жазолаш пайида бўлмайди, балки ўша хатони тузатиш, яхши ҳолга келтириш учун заҳмат чекади. Қалбида шафқат булоғи қайнаган комил инсон душманини ҳам кечира олади. Мана, Алишер Навоий қалбидан оққан шафқат чашмасидан бир томчи: «Қавий душман забунинг бўлса мурувват қил, қарам ва авф кўргузгил» [3, 125].

Хожа Аҳрор Валий айтадилар: «Тўрт нарса улуғликка далолат қилур: илмни азиз тутмоқ ва ёмонни яхшилик билан даф қилмоқ ва аччиғи (ғазабни) ни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ» [11].

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўлаётирки, айна ҳикмат ҳақиқати Саййид Ҳасан Ардашер шахсида мужассамдир.

Абу Али ибн Сино инсон табиатидаги ёмон ҳислардан бири – ғазабни қуруқ ўтинга тушган ўтга, босиб келаётган селга, маст туяга, қасд қилувчи шерга ташбиҳ қилади [1, 61].

Ғазабнинг зиддида баркамол инсон фазилати – босиқлик (бардошлилик, чидамлилик, вазминлик) туради. Алишер Навоий талқинича, чидаму бардош била кўп мушкулотлар тугуни ечилади. Сабру бардош туфайли ғоят кичик бир жонзот пилла қурти япроқни жуда қимматли тола – нозик ипакка айлантиради, асалари гул баргидан бол дунёга келтиради: «Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол» [2, 104]. Босиқ, бардошли инсоннинг ҳар бир сўзидан, хатти-ҳаракатидан, феълу атворидан кишилик жамиятига бол томади.

«Насойимул-муҳаббат»да улуғ мутафаккир машойиху авлиёуллоҳнинг «аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин» айримларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишда давом этар экан, фақру фано аҳлининг гўзал сифатларидан бири – ризо эканлигини зикр қилади. Ва бунда ҳам далилловчи лавҳа Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгонийнинг «кибор асҳобидан» дея ўқувчига таништирилган азиз зот ҳаётидан олинади. Шуниси муҳимки, «Насойимул-муҳаббат»да талқин қилинган ўша лавҳа билан маноқибда берилган Саййид Ҳасаннинг умр дафтаридан кўчирилган ҳаётини воқеа моҳиятан ғоят уйғундир.

Маноқибда муаллиф Саййид Ҳасанни фақру фано тарийқида буюк мақомга эришганини далиллаш мақсадида мана бу жумладан сўнг ўша лавҳани келтиради: «Бу фақир (Алишер Навоий) фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳлуллоҳ мулозаматиға кўп етибмен, фақир тариқида алардек оз кўрубмен» [3, 99].

Алишер Навоий, аввало, Саййид Ҳасаннинг яккаю ёлғиз фарзанди – Саййид Муҳаммаднинг тавсифини беради. Дастлабки жумладаёқ навоиёна тасвир талаб - тамойиллари ўзидан хабар беради. Адиб Саййид Муҳаммадни «адабу тавозуъ ва ҳилму ҳаё таврида» отага муносиб ўғил эканлигини таъкидлайди.

Саййид Муҳаммад – сурати хуш, сийрати дилкаш, у – истеъдодли ва илмли, «Ҳирот халқининг ўз таврида яғонаси ва нодираси». Афсуски, у тақдир ҳукми билан ўн тўрт ёшида

## ADABIYOTSHUNOSLIK

оламдан ўтади. Маноқибдан ўқиймиз: «Аксар ани танир-билур эл ўзни соҳиб азо тутдилар. Батахсис, бу фақирким, ани фарзанддек улғайтиб эрдим, аларғаким, асл ота эрдилар, асло тафовут қилғони маълум бўлмади. Сўзлари бу эрдиким, «Ал-ҳукму лиллоҳ» эгасига биздин кераклик экандур – элтти, умид улдурким, раҳмат қилғай» [3, 100].

Азиз фарзандини сўнги йўлга кузатиш кунда эса эгнига покиза тўн кийиб, бошига тоза салла ўраган Саййид Ҳасан қайғу зўридан аччиқ кўз ёши тўкаётган аздорларни, хусусан, Алишер Навоийни тинчлантиришга, насиҳатлар қилиб мотам тутганларнинг беором кўнгилларини таскин топтиришга саъй ва кўшиш қилади.

Эл марҳумни қабристонга, Алишер Навоий тайёрлатган хилхонага элтадилар. Саййид Ҳасаннинг ўзи суннат қондасига мувофиқ мақбара ичига тушиб, фарзанди аржумандини шариат расми билан охират ерига қўйиб, Худога топшириб, марҳумнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини Аллоҳнинг кечириси учун дуолар қилиб чиқади. Аммо бу мусибатли воқеадан ҳолатида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди: «...ҳеч навъ тағайюр ҳоллариға зоҳир бўлмади» [3, 100].

Бу вазиятни кўрган дарвешларни, тобутни кўтариб мазористонга борган Ҳиротнинг улуғ ва эътиборли кишиларини ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилади. Саййид Ҳасаннинг бошида бўлган «ёлғуз туёқлик» савдоси (Абдулла Қодирий ибораси) «Насойимул-муҳаббат»да тасвирланган азизнинг ҳам бошида бор. Унинг ҳам ўғли бағоят қобил, ҳусни хулқи камолга етган. Саййид Ҳасаннинг бошига тушган кулфат ўша азизнинг ҳам қисматида бор экан. Унинг ёлғиз ўғли ҳам фоний дунёдан кўз юмади. Шаҳар халқи – шохдан гадогача мотам тутадилар. Аммо «Ул азизнинг ҳолиға ... тағйир бўлмади. Мотамеларга кўнгул бериб, Ҳақ ризосига тарғиб қилур эрдилар. То кўтардилар ва мадфанға элтдилар, ўзи қабр ичига кириб азиз фарзандин шаръ важҳи била қабрда кўюб, мағфират дуоси қилиб чиқди... Ва шаҳр халқи, акобиру ашроф барча лол эрдилар» [4, 20].

**Хулоса.** Аллоҳ жамоли, бунёдкорлик санъату камоли ҳайратидан мутаассир зотлар, ўзини Ҳақдан ажратиб тасаввур қила олмайдиган комил инсонлар шундай ахлоқий ибратга эга бўладилар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий Саййид Ҳасан таърифиди, юқорида келтирилган лавҳага яқун ясаб: «Бу навъ фано ва истиғроғ ва ҳафсала башар хайлидин номаълумдур...», - деб ёзади.

Камолотнинг бундай олий мақомига эришган инсон «Мусибатнинг ёки етган бирор хасталик ёки ранжитувчи воқеани ҳам Аллоҳнинг бир икромидан эканини англайди» [8, 54].

Унда ризодан нишон қолмайди, у ўз розилигини Ҳақ иродаси натижаси деб билади: «Чун ўз ризосин билкулл фано ўтиға отти ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси била ўзин тузатти» [8, 64]. Бундай мартабадаги инсонлар учун Аллоҳдан етган лутфу марҳамат ҳам, қаҳру ғазаб ҳам бирдек севимли, ёқимлидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Abu Ali ibn Sino.** Salomon va Absol. Lirika. Falsafiy qissalar, she'r san'ati. - T.: G'. G'ulom, 1980. - 87 b.
2. **Alisher Navoiy.** Mahbulbul - qulub. - Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 14-jild. - T.: Fan, 1998. - 304 b.
3. **Alisher Navoiy.** Holoti Sayyid Hasan Ardasher. - Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 15-jild. - T.: Fan, 1999. - 236 b.
4. **Alisher Navoiy.** Nasoyimul - muhabbat. - Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 17-jild. - T.: Fan, 2001. - 520 b.
5. **Buxoriy,** Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil. Al-Jomi' as-sahih /Ishonarli to'plam/. 4 jildlik. 3-jild. - T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. - 560 b.
6. **Kaykovus.** Qobusnoma. - T.: Meros, 1992. - 175 b.
7. **Komilov N.** Tasavvuf. Ikkinchi kitob. Tavhid asrori. - T.: G'. G'ulom, 1999. - 204 b.
8. **Maxmud As'ad Jo'shon.** Islom, tasavvuf va axloq. - T.: Istiqlol, 2000. - 240 b.
9. Muhammad payg'ambar qissasi. Hadislar. - T.: Kamalak, 1991. - 301 b.
10. **Rumi, Jaloliddin.** Ma'naviy masnaviy. Kulliyot. Birinchi jild. Birinchi kitob (Tarjima sharhi bilan). - T.: Sharq, 1999. - 368 b.
11. **Xoja Ahrori Valiy.** Hikmatlar //Islom nuri, 2003. 3-son.
12. **Shayx Shibroviiy.** Unvonul bayon //Islom nuri, 2003. - № 1, 3, 5.
13. O'zbek adabiyoti tarixi. Besh tomlik, 2-tom. - T.: Fan, 1977. - 447 b.